Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

● 2013-yil, 23-aprel. Seshanba ● 48 (31.638) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани беқиёс аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий ҳимоя

БОЛАЛАРИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Кеча мамлакатимизда полиомиелитга қарши миллий эмлаш тадбирлари бошланди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шу муносабат билан ташкил этилган матбуот анжуманида тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари, республика бош давлат санитария врачи С.Сайдалиев, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари А.Хаммерих, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Ж.Дельмот ва бошқалар сайёрамизнинг айрим ҳудудларида, жумладан, бизга қўшни баъзи давлатларда полиомиелит бўйича мураккаб эпидемиологик вазият сақланиб тургани унга қарши профилактикани янада кучайтиришни талаб этаётганини таъкидлади.

Юртимизда болаларни юқумли касалликларга қарши эмлашнинг миллий режаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, фарзандларимиз ўн хил юқумли касалликка қарши эмланмоқда.

Шифокорларнинг таъкидлашича, полиомиелит ўткир юқумли касаллик бўлиб, асаб тизими, айниқса, орқа мияни қаттиқ шикастлайди. Шахсий гигиена қоидаларига амал қилмаслик, ифлосланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари хасталикнинг юқиш манбаларидир.

Оғир хасталик ҳисобланган полиомиелит билан асосан 10 ёшгача бўлган болалар хасталанади. Унинг асоратлари эса кўпинча ногиронликка олиб келади, айрим ҳолларда ўлим билан тугайди. Унинг олдини олишнинг бирдан-бир чораси эмлашдир.

Мазкур йўналишдаги тиббий-профилактика ишлари қамровини кенгайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида юртимизда миллий эмлаш кунлари ўтказилаётир.

2013 йилнинг 22-27 апрель кунлари навбатдаги эмлаш ҳафталиги ўтказилади. Ҳафталик доирасида юртимизнинг қўшни давлатлар билан чегарадош вилоятларида беш ёшгача бўлган болалар полиомиелитга қарши эмланади. Тадбирни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида вакциналар олиб келиниб, ҳудудлардаги санитария-эпидемиология марказларига етказилди.

Мамлакатимиз бўйича олти мингдан ортиқ эмлаш пункти, беш минг икки юзга яқин эмлаш бригадаси ташкил этилди. Эмлаш жараёнида иштирок этадиган шифокорлар, ҳамширалар, мактабгача таълим муассасалари ҳамда Меҳрибонлик уйлари ходимлари махсус тайёргарликдан ўтказилди.

Болаларимизни турли юқумли касалликлардан асрайлик.

(Ўз мухбиримиз.)

ЯНГИ КОРХОНА, ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Боғот туманидаги «Ёвмут ниҳол» хусусий корхонасида совун ва бошқа кир ювиш воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Корхонада атир совуннинг беш, кукунли кир ювиш воситасининг икки тури, шунингдек, ошхона идишларини ювиш учун суюлтирилган сода ишлаб чиқарилмоқда.

— Маҳсулотларимизга юртимиздаги сиҳатгоҳ ва соғломлаштириш масканлари ҳам харидор, — дейди корхона иш юритувчиси Азамат Худойберганов. — Доимий мижозларимиз орасида хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналарнинг борлиги бизни қувонтиради.

Яқинда корхонада «Раъно» номли янги атир совуни ишлаб чиқарила бошланди. Келгусида уларнинг турларини янада кўпайтириш режалаштирилган.

Айни пайтда корхонада ўн нафар ёш меҳнат қилмоқда. Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб корхонанинг янги тармоғи ишга туширилиши натижасида яна ўн нафар ёш муқим иш билан таъминланади.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«GOLDEN MILL ZARAFSHAN»

сифат жиҳатидан хорижникидан қолишмайди

Зарафшон шаҳрида сифат жиҳатдан хорижникидан қолишмайдиган мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Golden Mill Zarafshan» МЧЖ ишга тушиши натижасида 10 нафар маҳаллий ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлди.

— Ҳозирда 50 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаряпмиз, — дейди корхона раҳбари Ўткир Салимов. — Ишчиларимиз томонидан бежирим қилиб тайёрланаётган уй жиҳозлари харидорларга маъқул келмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати, бизнинг маҳсулотларимиз чет элникидан 3-4 баробар арзон. Келгусида корхонамизни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратишни режалаштиряпмиз.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР

қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси юксалишининг муҳим омили

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Қишлоқ жойлари, хусусан, тоғли ва дашт қишлоқларида янги, шинам уйлар ва турар-жой массивларини барпо этиш билан бирга, мазкур дастур доирасида ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилаяпти. Бунинг натижасида қишлоқ аҳоли пунктлари қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли турмуш даражаси ва сифати ошмоқда.

Таъкидлаш зарурки, дастур амалга оширилиши бошланган 2009 йилдан буён бугунги кунга қадар мамлакатимизда 23 мингдан зиёд уйлар қурилди. Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференцияда бу дунё жамоатчилигининг яна бир бор эътирофига сазовор бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ: АСОСИЙ БОСҚИЧ ОЛДИДАН

Президентимиз Фармойиши асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментга Самарқанд вилояти маҳаллий давлат ҳокимияти органларида тайёргарлик жараёни изчил давом этаяпти.

Вилоятда ҳуқуқий экспериментнинг самарали ўтишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳи маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари томонидан қонун лойиҳасида белгиланган ҳуқуқий меъёрлар сўзсиз амалга ошишини таъминлаш чоратадбирларини кўрмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари масъуллари учун мунтазам равишда амалий семинарлар ташкил қилинаяпти.

Мазкур семинарларда ҳуқуқий эксперимент мазмун-моҳиятини тушунтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг очиқлигини таъминлаш, мамлакатнинг демократик тараққиётини замонавий босқичга кўтариш, **энг муҳими, мутасаддилар раҳбарлар ва фуқаролар ўртасида ўзаро ишонч ҳамда хабардорлик тамойилларини мустаҳкамлашдек ҳаётий масалаларда** мазкур тажрибанинг аҳамияти кенг очиб берилмоқда.

⇨ 2

Ҳуқуқий эксперимент ўтказишдан мақсад «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қандай ишлашини амалда синаб кўриш, шу асосда уни янада такомиллаштириш ҳамда ижро механизмини мукаммаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

2013 йил — Обод турмуш йили

ОБОД БЎЛАЁТГАН, ЯШНАЁТГАН ХОРАЗМ

3-бет

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

БАХТЛИ БЎЛИШНИ, АВВАЛО, ЎЗИНГ ХОҲЛАШИНГ КЕРАК...

www.uzbekistonovozi.uz

Баркамол авлод орзуси

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР МАСКАНИ

Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежида молия, иқтисодиёт, суғурта иши, экология, ҳуқуқшунослик, менежмент каби саккиз йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда.

Коллежнинг 104 педагогдан иборат ўқитувчилар жамоаси билим бериш жараёнини илғор таълим андозаларига мос тарзда олиб бормоқда.

Ўтказилаётган ҳар бир ўқув машғулотда ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси назорат қилиниб, натижага мувофиқ чора-тадбирлар кўрилаётир.

1503 нафар йигит-қизни бағрига олган коллежда ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақти фан, спорт, ҳунар тўгаракларида мазмунли ўтаётир.

Шунингдек, бўлғуси мутахассислар банк, молия муассасалари ва бошқа тегишли ташкилотларда назарий билимини амалий кўникмалар билан мустаҳкамламоқда.

Суратда: *Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи ўқувчиларидан бир гуруҳи.*

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

АСОСИЙ БОСҚИЧ ОЛДИДАН

Яқинда ҳуқуқий экспериментни ўтказиш бўйича ишчи комиссия аъзолари, ишчи гуруҳлари, қатор ташкилотлар мутахассислари иштирокида ҳуқуқий эксперимент субъектлари ҳисобланган идоралар ходимлари учун Самарқанд вилоят ҳокимлиги ҳамда Каттақўрғон шаҳарларида навбатдаги семинарлар ўтказилди.

Маълумки, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг 9-моддасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш усуллари белгиланган. Ўқув-семинарлар мазкур усуллар амалга оширилишини таъминлаш, бу жараёнда ҳуқуқий меъёрларга тўлиқ амал қилиш масалаларига бағишланди.

Таъкидлаш керакки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усуллари асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига тақдим этиш билан боғлиқ жараёнларни ўз ичига олади.

Бундай ахборотларни **расмий веб-сайтда жойлаштириш ва янгилаб бориш**, **ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўладиган хоналарда ва жойларга жойлаштириш, ахборот-кутубхона, архив фондлари орқали, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида оғзаки ёки ёзма шаклларда** тақдим этилиши керак.

Шунингдек, **давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз коллегиал кенгашларида ахборотдан фойдаланувчилар, яъни фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этиши учун шароит яратиб бериши лозим.**

Семинарларда ишчи комиссия аъзолари ва мутахассислар қонун лойиҳасида белгиланган юқоридаги меъёрларни амалга ошириш масалалари ҳақида ҳуқуқий эксперимент субъектларини ташкил этадиган идоралар ходимлари билан ўзаро фикр алмашишди.

Ҳуқуқий эксперимент субъектлари томонидан қабул қилиниши лозим бўлган меъёрий-ҳуқуқий, идоравий ҳужжатларнинг намунавий лойиҳалари муҳокама қилинди.

Хусусан, ахборот-кутубхоналар ва архив фондларига тақдим этиш учун зарур бўлган ахборот материалларини саралаш бўйича доимий комиссияни тузиш, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-таҳлил ва архив фондлари орқали ахборот тақдим этишнинг вақтинчалик тартиби масалалари ҳақида сўз юритилди.

Ҳуқуқий тажрибани амалга ошириш доирасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг Интернет тармоғидаги веб-сайтига ахборотни жойлаштиришга доир йўриқнома, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровлари асосида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида оғзаки ва ёзма шаклда ахборот тақдим этишга доир йўриқномада қандай масалалар акс эттирилиши зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ахборотни ОАВда эълон қилиш регламенти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқ йиғилишларида бевосита қатнашишни таъминлаш бўйича йўриқнома, ахборотни барча кириши мумкин бўлган бинолар ва жойларда жойлаштириш тартиби ҳақида муваққат низом каби меъёрий-ҳуқуқий, идоравий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Семинарда **Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Воҳид Раҳимов** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий эксперимент ҳар бир мутасадди раҳбар хизмат вазифасига янада жиддий масъулият билан ёндашишини талаб этишини алоҳида таъкидлади.

— Қонун лойиҳасига мувофиқ, эндиликда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг коллегиал йиғилишларида фуқаролар, оммавий ахборот воситалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари қатнашиши мумкин, — деди у. — Бу, аввало, мазкур йиғилишларга жиддий тайёргарлик кўриш, ютуқларни мустаҳкамлаб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ ва самарали чоралар белгилаш бўйича масъулиятни оширади.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари маҳаллий давлат ҳокимияти мутасадди раҳбарлари бу масалага алоҳида масъулият ва жавобгарлик билан қараши зарурлигини таъкидлади.

— Ҳуқуқий эксперимент ўтказишдан мақсад «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қандай ишлашини амалда синаб кўриш, шу асосда уни янада такомиллаштириш ҳамда ижро механизмини мукаммаллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилбар Холиқова.** — Семинарлар давомида муҳокама қилинган, қонун лойиҳаси ижросига қаратилган меъёрий-ҳуқуқий, идоравий ҳужжатлар шу мақсадга хизмат қилади. Масалан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ҳамма кириши мумкин бўлган бинолар ва жойларда жойлаштириши керак. Мазкур ахборотларда тегишли идоранинг иш, фуқароларни қабул қилиш тартиби, кўрсатиладиган хизматлар рўйхати акс эттирилиши шарт.

Ахборотлар ҳеч қандай тўсиқларсиз барча кириши мумкин бўлган жойлар ҳамда биноларга жойлаштирилиши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки шу орқали таништирув, умумий маълумот олиш мазмунидаги сўровлар ва мурожаатлар камаяди.

— Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни тез, сифатли ҳамда ишончли тарзда тақдим этишнинг самарали воситаларидан бири расмий веб-сайтлар ҳисобланади, — дейди **Самарқанд вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Манноб Ибодуллаев.** — Уларда ахборотлар қонун лойиҳаси талабларига мувофиқ жойлаштирилиши ва мунтазам янгилаб борилиши ахборотдан фойдаланувчиларга қулайлик яратади. Бу айни пайтда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари матбуот хизматларининг фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

Шунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтларини қонун лойиҳасида белгиланган меъёрлар асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Қарорлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жойлаштириш, ҳар бир маълумотнинг киритилган ва янгиланган саналарини аниқ кўрсатиш, фуқаролар мурожаатлари ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини расмий веб-сайт орқали қабул қилиш ва жавоб бериш, коллегиал йиғилишлар ҳақида ишончли маълумотлар жойлаштириб бориш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Семинарлар давомида ҳуқуқий экспериметни ўтказиш, қонун лойиҳаси ижросини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари олдида турган вазифалар хусусида қизғин савол-жавоблар бўлди, кўплаб фикр-мулоҳазалар айтилди.

— Қонун лойиҳасида белгиланган меъёрларни синовдан ўтказиш кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаоллиги ва масъулиятига боғлиқ, — дейди **«Оқдарё овози» газетаси муҳаррири Йўлчи Муҳаммадиев.** — Ишчи комиссия, ишчи гуруҳлари томонидан ўтказилаётган семинарларда билдирилаётган таҳлилий фикрлар асосида фаолиятимизни кучайтириш бўйича муҳим йўналишларни белгилаб олаяпмиз. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни таҳлил қилиш, муайян соҳа, ҳудуднинг ривожланиш ҳолати, муаммо ёки камчиликнинг сабабларини очиб бериш, муҳим қарорлар, давлат ва маҳаллий ривожланиш дастурлари мазмун-моҳиятидан аҳолини хабардор этиш, энг муҳими, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ОАВ олдидаги долзарб вазифадир.

— Фуқароларда мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг боришини таҳлил қилиш кўникмаси ривожланиши кучли фуқаролик жамиятининг муҳим омилидир, — дейди **Самарқанд шаҳридаги «Чилустун» маҳалласида истиқомат қилувчи, ЎзХДП аъзоси Дилбар Имомова.** — Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш имкониятининг кафолатланиши бунда, айниқса, долзарб аҳамият касб этади. Боиси одам қачон ўзи ишлаётган соҳа, истиқомат қилаётган ҳудуд, унинг ривожланиши ҳолати ва истиқболи учун режалаштирилган ишлар аҳамияти ҳақида яқиндан хабардор бўлса, ислоҳотларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилганини тушунса, мазкур жараёнларда фаол иштирок этиш, керак бўлса, ўз ҳиссасини қўшишга интилади. Демак, ҳуқуқий тажрибанинг самарали ўтиши, қонун лойиҳасининг ҳаётий аҳамиятини ўрганиш учун фуқароларнинг дунёқарашини кенгайтириш ҳамда фаоллигини оширишга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишларини сусайтирмаслигимиз керак.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш усулларини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳамда идоравий ҳужжатлар ўрнатилган тартибда қабул қилингандан сўнг, ҳуқуқий экспериментнинг иккинчи — асосий босқичига ўтилади. Яъни, бу босқичда қонун лойиҳаси ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолиятига нисбатан амалда татбиқ этилади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Муносабат

НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР

қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси юксалишининг муҳим омили

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқда уй-жой қурилишини кенгайтириш, соҳага қўшимча сармояларни жалб қилиш ва самарали сарфлаш мақсадида Дастур иштирокчиларига қатор имтиёз ҳамда кафолатлар яратилган. Қишлоқни янгилаш учун аҳоли сармояларини жалб қилиш жараёнини рағбатлантиришда уларга берилаётган имтиёз ва преференциялар муҳим омил ҳисобланади.

Ипотека кредити 15 йил муддатга 7 фоиз ставкаси билан берилади. 2012 йилда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредити бўйича асосий қарзни қоплаш учун берилган имтиёзли муддат олти ойдан бир йилга узайтирилди.

Мазкур йилдан жисмоний шахслар Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши Дастури доирасида сотиб олган турар-жойлари бўйича мулк солиғини тўлашдан ипотека кредити тўлиқ қайтарилгунга қадар озод қилинган. Бу ҳам аҳолининг уй-жойга сармоя йўналтиришга қизиқиши ошишига хизмат қилади.

Мазкур имтиёз ва қулайликлар мамлакатимизда амалга оширилаётган, уй-жой-коммунал соҳаси, қишлоқ жойларида инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлигини яққол намоён этмоқда.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида турар-жой қуриш дастурини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда нафақат ижтимоий, бозор, балки ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳам жадал суръатлар билан ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Масалан, замонавий, барча қулайликларга эга ва шинам уйлар барпо этилган янги мавзеда савдо марказлари, нон, сут, гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ёки мева-сабзавотни қайта ишлаш цехлари очилмоқда. Бундан ташқари, интернет-кафе, пойабзал тузатиш, кийим тикиш устахонаси, гўзаллик салони кабиларни ўз ичига олган хизмат кўрсатиш марказлари иш бошлаяпти. Минибанклар, тижорат марказлари ҳамда ижтимоий соҳа муассасалари очилмоқда. Натижада қишлоқ жойларида яшовчи оилалар учун барқарор иш ўринлари, даромад манбаи яратилмоқда. Бу ЎзХДПнинг дастурий мақсадларига тўла мувофиқ келади.

Ўз навбатида, қурилиш, безак материаллари ишлаб чиқариш, замонавий технологияларнинг маҳаллий даражада ҳам ривожланиши кузатилмоқда, инновацион ғоялар чекка ҳудудларга ҳам кириб бормоқда. Мазкур давлат дастурини амалга ошириш учун қисқа муддат ичида ҳудудларда замонавий ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ўнлаб саноат корхоналари барпо этилди, юзлаб, минглаб янги иш ўринлари яратилди. Масалан, биргина Андижон вилоятида бу йил қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича 174та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида 2280 та янги иш ўрни ташкил этилиши кутилмоқда.

«Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуидаги халқаро конференцияда бу борада мамлакатимизда эришилган тажриба кўриб чиқилди.

Умуман олганда, анжуман уй-жой қурилиши соҳасида дунёда юз бераётган тенденцияни муҳокама этиш учун ўзига хос майдон вазифасини ўтади. Иштирокчилар мазкур бозорни ривожлантиришнинг янги механизмлари ва уларни минтақамиз шароитида қўллаш ва мослаштириш имкониятлари ҳақида фикр алмашдилар. Бунда халқаро экспертлар томонидан мамлакатимизнинг қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши бўйича эришилган натижалар ва тажрибалар юқори баҳоланди.

Конференциянинг кўплаб иштирокчилари таъкидлаганидек, қишлоқ аҳолиси турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чора-тадбирлар Ўзбекистонда саноат, аграр комплекси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда маҳаллий хомашёни қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш ҳамда бандлик масалаларини ҳал этишга кўмаклашувчи реал ва таъсирчан чоралар ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, намунавий лойиҳалар асосидаги қишлоқ уй-жойларини бунёд этиш қишлоқ аҳолиси турмуш сифати, ҳаёти даражаси янада юксалишининг муҳим омилидир.

Улуғбек ВАФОЕВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда шахсий автомобиллар сафи тобора кенгайиб бораётгани йўл ҳаракати соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Яқинда мамлакатимиз парламенти томонидан янги таҳрирда қабул қилинган «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасида ташкил этилган семинар йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунчиликнинг ижро самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, суғурта компаниялари, йўловчи ташувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, журналистлар иштирок этди.

Сўнгги йилларда транспорт воситаларини маст ҳолда ва телефонда гаплашган ҳолда бошқариш, ҳаракат тезлигини ошириш, хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар учун маъмурий жавобгарлик янада кучайтирилди.

Йўловчиларни ташиш, транспорт воситаларини бошқариш учун гувоҳномалар бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларининг такомиллаштирилаётгани натижасида йўл-транспорт ҳодисалари камаймоқда.

Семинарда янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун соҳага оид қонунчиликни янада либераллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларига қулайликлар яратиш ҳамда уларнинг бу борадаги маданиятини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Мазкур қонун Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати соҳасида қонунни қўллаш амалиёти ва норматив базани чуқур таҳлил этиш асосида, шунингдек, ушбу соҳада халқаро тажрибани ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган.

Унда амалдаги қонуннинг аксарият моддаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш билан бир қаторда янги моддалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, янги таҳрирдаги қонунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ваколатли органларнинг мажбуриятлари янада аниқлаштирилган. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш тадбирларида иштирок этиш ҳуқуқи берилди.

Қонун йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, автотранспорт воситаларига эга корхона ва ташкилотларнинг масъулиятини ошириш, фуқароларни йўлларда хавфсизлик қоидаларига ўргатиш, йўл-транспорт ҳодисалари ва уларда жабрланганларнинг сонини камайтиришга хизмат қилади.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Эътироф

Роберт ВИНЕР,
«California coalition for rural housing» компаниясининг ижрочи директори (АҚШ):

— Бухоро вилоятида барпо этилган уйларнинг юксак сифати менда унутилмас таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг барча вилоятида бўлгани каби бу ерда ҳам қад ростлаган уйлар жуда чиройли ва яшаш учун қулай экан.

Уйларнинг лойиҳаси, пухта ишланган инфратузилмаси, шинам ва ёруғлиги, барча афзалликларга эга экани, жумладан, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлангани менга ҳар жиҳатдан манзур бўлди.

Бундай уй-жойлар лойиҳасида оилавий шароит ва миллий турмуш тарзига хос барча жиҳат эътиборга олинган. Ана шундай қурилиш ишлари мамлакатингизнинг барча туманларида кенг кўламда давом эттирилаётгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистон қишлоқларида қурилаётган уйлар лойиҳасини бошқа мамлакатлар ҳам намуна сифатида фойдаланса арзийди.

Уйлар атрофида қад ростлаган савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, спорт мажмуалари ҳам эътиборимни жалб этди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

ОБОД БЎЛАЁТГАН, ЯШНАЁТГАН ХОРАЗМ

Хоразм воҳасида табиат ўзгача. Ёзнинг гармселли жазирама иссиғи-ю, қишнинг қаҳратон совуғи, боз устига ҳудудни чор тарафдан ўраб турувчи Қорақум ва Қизилқум саҳролари, Орол ҳавзасидан кўтариладиган чанг-тўзонлар, шўрланган ва захланган замин воҳаликлар учун ҳамиша жиддий синов.

Юртимизнинг бошқа ҳудудларида барқ урриб ўсувчи айрим тур дов-дарахтлар бу минтақада ҳатто куртак ҳам ёзмаслиги мумкин. Масаланинг бу жиҳати ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларига оқилона ва эътибор билан ёндашишни талаб этади. Қолаверса, «Обод турмуш йили» Давлат дастури, Юртбошимизнинг вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада фаровонлаштириш, хусусан, Урганч шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, ободонлаштириш, сув таъминотини яхшилаш, мавжуд ирригация-мелиорация тизимларини такомиллаштириш, ҳудуднинг саноат салоҳиятини оширишга қаратилган қарори ижросини таъминлаш барчадан катта масъулият талаб этади.

Биз тобора обод бўлаётган, чирой очаётган Хоразм вилояти ободонлаштириш идоралари мутасаддилари ва табиатни муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари ва олимлар билан кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш борасида суҳбатлашдик.

Бахтиёр Қаландаров, Хоразм вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси:

— Мутахассисларимиз ва шахсан ўзим Урганч шаҳрининг айрим гавжум кўчалари бўйида ўстирилаётган арча дарахтларини махсус кузатувга олдик. Машиналарга тўла баъзи кўча бўйларидаги бўйдор арчаларнинг ҳар тупи остидан йилига ўртача 15 килограмм тупроқ йиғиб олдик. Булар машиналар қатнови таъсирида кўтарилган чанг-ғуборларнинг арча дарахти томонидан ушлаб қолинганлигини кўрсатади.

Шаҳар ва қишлоқларимизни безаётган гўзал манзарали арча дарахтининг хосиятини англаш учун шу далилнинг ўзи кифоя. Буни назарда тутган ҳолда, ҳудудимизда янгидан барпо этилаётган ва реконструкция қилинаётган кўчалар ва йўлларнинг бевосита автоуловлар қатновига ёндош 1-қаторига, албатта, чанг ва ғубор ютқич вазифасини ўтовчи нина баргли дарахтларни, 2- ва сўнгги қаторларга гужум, терак, япон сафораси каби баланд бўйли соя солувчи иҳота дарахтларини режали ва гўзал меъморий ечимлар асосида экиб-ўстиришни тавсия қилар эдик.

Пиёдалар йўлкалари бўйларини эса анвойи гуллар билан безашни, соя солувчи дарахтларга келсак, уларни аҳоли истиқомат жойлари, иморатларнинг олд томонлари, истироҳат боғлари, майдонлар, хиёбонлар, ариқ ҳамда каналлар бўйлари, шифо ва ҳордиқ масканлари ҳудудларига жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Озод Раҳимов, ал Хоразмий номидаги Урганч давлат университети доценти, биология фанлари номзоди:

— Ҳудудда дарахтларнинг 450 турини бемалол экиб, ўстириш мумкин. Ота-боболаримиз бўйдор манзарали дарахтларни ёз мавсуми ниҳоятда иссиқ келишини назарда тутган ҳолда сояланиш учун экишган. Ҳозирда дов-дарахтларни фақатгина соя учун эмас, балки гўзал ва чиройли манзара учун экишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чор-атрофга файзу-ҳусн бағишловчи арча ва сарсоя гужум дарахтининг фойдалари хусусида хўп ва кўп гапириш мумкин. Масалан, гужумнинг ҳар тупи йил давомида ўртача бир неча юз килограмм, 30 йил умр кўрган арчазорларнинг ҳар гектари эса йилига 9,5 тонна заҳарли карбонат-ангидрид газини ютиб, шунча миқдорда кислород моддасини чиқаради.

Матмурод Давлатов, меҳнат фахрийси:

— «Хоразм кондиционери» — гужумлар она-заминни яшартиш-яшнатиш хусусиятига эга. Бақувват ва ерга чуқур кириб борган илдизлари ёрдамида нисбатан саёз жойлашган ер ости сувларини муттасил сўриб, ўзига хос биодренаж вазифасини ҳам ўтайди.

Гужум минг йилгача умр кўради. Афсус, ўтган асрнинг 50-60 йилларида ўлкамизга ёпирилган «шаҳар мўйловдори» гужумнинг ашаддий кушандасига айланди ва 80-90 йилларга келиб, мазкур зараркунанда ҳашорат дастидан нафақат асрий арғувон, балки тол, терак, ҳатто айрим тур мевали дарахтлар ҳам нобуд бўлди.

Илҳомбой Матчонов, вилоят Ўсимликларни ҳимоя қилиш маркази бўлим мудири:

— Маҳаллий аҳолининг фахри ва ғурури даражасига кўтарилган гужум навлари ва бошқа дов-дарахтларни асраш усуллари етарли. Аммо яқин ўтмишда чиндан ҳам бундай имкондан унумли ва ўринли фойдаланилмади.

Таъкидлаш лозимки, соғлом ва гуркираб ўсаётган манзарали дарахтлар шохларини кесишдан имкон қадар тийилмоқ даркор. Негаки, «шаҳар мўйловдори» аталмиш очофат қурт кўпинча айнан ўша кесилган жойдан сизиб чиқувчи ширага уруғ қўйиб, кўпаяди.

Зараркунандалар наслланиши ва капалаклар урчишининг дастлабки палласида унга қарши кимёвий воситалар ёрдамида курашса бўлади. Бироқ, уруғ ва капалаклар қуртга айланиб, дарахтлар танасига чуқур кириб кетгач, бу усулдан деярли наф чиқмайди ва бундай пайтларда амалдаги механик воситаларни ишга солиш талаб этилади.

«Шаҳар мўйловдори»га қарши курашнинг бошқа бир ишончли воситаси ҳам бор. Бу дов-дарахтлар танасидаги қурт-ҳашоратлар эвазига озиқланиб, яшовчи беминнат дастёр — «қизил иштон» аталмиш қушдир. Қушларнинг мазкур турини кўпайтириш эвазига бир тарафдан зараркунанда қуртлар ва ҳашоратларга қирон келтирилса, иккинчи томондан онатабиатнинг муҳим бўлаги — қушлар оламини асраш учун пухта замин яратилади.

Тоҳир Юсупов, Хоразм ўрмон хўжалиги идораси директори:

— Урганч шаҳрининг мавжуд 35 та маҳалласига 132 минг туп манзарали нина баргли дарахт кўчатлари етказиб берилди. Уларни ландшафт дизайни асосида жойлаштириш лойиҳаси шаҳар меъморчилиги муассасалари томонидан тақдим этилди. Республика Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси эса 120 нафар малакали мутахассисни вилоятимизга йўллаб, кўчатларни экиб, ундириш ва парваришлаш агротехникаси бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатаяпти. Сўнгги йиллар тажрибаси воҳа иқлими можевельник-виргин арчаси, шарқ туяси, қрим қарағайи каби манзарали дарахт ва бута ўсимликларига бирмунча мос ва қулай эканлигини кўрсатди. Шунингдек, соя берувчи япон сафораси ҳам воҳа шароитига мослашди. Бу дарахтдан ғоятда шифобахш «Рутин» доривор моддаси ҳам олинади.

Кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш, дов-дарахтлар ўстириш, айниқса, асраш жуда муҳим ҳисобланади. Назаримизда, бу масала бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия муассасалари, ўқув юртлари ва кенг жамоатчиликнинг масъуллигини янада ошириш чоралари кўрилмоғи зарур.

Фарзандларимиз қалбида ўлкамиз яшил олами — гул ва дарахтларга нисбатан меҳр-муҳаббат ҳиссини янада кўпроқ уйғотиш, нав-ниҳолларни парваришлаш йўл-йўриқларига доир ўқув-тарбиявий соатларга алоҳида ўрин ажратилмоғи ниҳоятда муҳим. Токи экилган бирон туп ниҳол ҳам беэътибор ва назоратсиз қолмасин.

Абдулла СОБИРОВ, журналист.

Хориж

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ

рад этилди

АҚШ Конгрессининг юқори палатаси мамлакатда қурол савдоси назоратини кучайтириш, қурол сотиб олувчи харидорлар ҳужжатларини текшириш, қурол дўконлари савдо майдонини қисқартириш тўғрисидаги 2 та янги қонун лойиҳасини кўпчилик овоз билан рад қилди, дея хабар беради «Associated Press» АА.

Маълумки, ўтган йил декабрда Ньютаун шаҳридаги «Сэнди Хук» мактабида 20 ёшли Адам Лэнза отишма содир этиб, 26 кишининг умрига зомин бўлгач (уларнинг 20 нафари болалар эди) АҚШ президенти Барак Обама мамлакатнинг вице-президенти Жо Байденга қурол савдоси назоратини кучайтиришга қаратилган янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш мажбуриятини юклаган эди. Бироқ, экспертлар гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган мазкур 2 та янги қонун лойиҳаси Конгресснинг юқори палатасида овозга қўйилганда уни қўллаб-қувватловчилар 60 фоизга етмади. Бу эса қонун лойиҳаси рад қилинганини билдиради.

Лойиҳага қарши чиққанларнинг асосий қисми республикачилар партияси вакилларидир. Улар ўзларининг бу хатти-ҳаракатини «бу каби қонун лойиҳалари фуқароларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини чеклайди» деб изоҳламоқда.

СЕҲР-ЖОДУ...

бекор қилинади

Папуа-Янги Гвинея бош вазири Питер О`Нил мамлакатда 1971 йилдан бери амалда бўлган сеҳр-жоду тўғрисидаги қонун яқин кунларда бўлиб ўтадиган парламент сессиясида бекор қилиниши ҳақида маълум қилди, дейилади «Australian Associated Press» АА тарқатган хабарда.

Жорий йилнинг февраль ойида Маунт-Хаген шаҳрида 20 ёшли аёл қилмиши юзасидан бўлиб ўтган судсиз жазолаш жараёни бунга сабаб бўлди. Маҳаллий аҳоли аёлни сеҳр-жоду йўли билан бир ёш болани ўлдириб қўйганликда айблаб, омма кўз олдида тириклайин ёндириб юборган.

Бу воқеани БМТ вакиллари ҳам қаттиқ танқид остига олди.

Маълумот учун айтиш жоизки, Папуа-Янги Гвинея турли қабилаларни ўзига бирлаштирган мамлакатдир. Бу ҳудуддаги қабилалар тили турлича бўлиб, 850 дан ортиқ тилда гаплашишади.

ШАҲАР ҲУДУДИ

янада кенгаяди

Киев шаҳар кенгаши шаҳар ҳудудини деярли 1,5 минг гектарга кенгайтиришни назарда тутувчи янги лойиҳани маъқуллади, дея хабар беради «Украинская правда» газетаси.

Ер ресурслари департаменти директори Виктор Петрукнинг айтишича, Киев шаҳрининг дастлабки бош лойиҳаси ўтган асрнинг 60 йилларида тасдиқланган. Ўтган йиллар давомида шаҳарда бир қанча қурилишлар амалга оширилди, аҳоли янада зичлашди. Демак, уни кенгайтириш вақти келди.

Эндиликда шаҳарни кенгайтириш лойиҳаси кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун Киев области маъмуриятига тақдим этилади. Область маъмурияти ҳам маъқуллагач, янги лойиҳа асосида шаҳар чегарасини белгилашга киришилади.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Киев шаҳрида 2 миллион 845 минг киши истиқомат қилмоқда.

Қарор ва ижро

ЧАКАНА САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА

нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат ўрнатилади

Президентимизнинг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китоблар механизмини янада тартибга солиш тўғрисида»ги қарорида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ республикамизнинг резидентлари ва норезидентлари — юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валютада ҳисоб-китобларни амалга ошириш тақиқланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу мақсадда республика Давлат солиқ қўмитасида махсус бошқарма ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Мазкур тузилманинг вазифалари, ваколатлари нималардан иборат эканлиги тўғрисида газетхонларимизга маълумот бериш мақсадида қўмитанинг Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик устидан назорат қилиш, қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўйича махсус бошқармаси таҳлил ва статистика бўлими бошлиғи Шавкат Аберқуловга мурожаат қилдик.

— Қарор билан давлат солиқ хизмати органлари зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди, — дейди у.

- тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳисоб-китобларни олиб бориш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ижро этилиши мониторингини амалга ошириш ва назорат қилиш;

- чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш, шу жумладан, назорат хариди механизми воситаси орқали аниқлаш, аниқланган қоидабузарлик фактлари бўйича материалларни жиноят турига қараб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириш;

- республикамиз ҳудудида товарлар ва хизматлар учун нақд хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш бўйича аниқланган жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш ва юритиш ҳамда нақд хорижий валюта муомаласига йўл қўймаслик масалалари бўйича аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг тушунтириш ва профилактика ишларини амалга ошириб бориш.

— Ҳозирда ноқонуний равишда нақд хорижий валютада ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳолатларига нисбатан қандай чоралар кўрилаяпти?

— Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари орқали кетма-кет огоҳлантиришлар, шунингдек, радио ва телевидениеда масъул ходимлар билан мулоқотлар уюштирилиб, аҳоли ва барча хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг тушунтириш ва профилактика ишлари олиб борилишига қарамасдан, нақд хорижий валютада ҳисоб-китобларни амалга ошираётган тадбиркорлар ҳамон учрамоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган текширишларда 100 дан ортиқ ҳолатда тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслар томонидан ҳисоб-китобларни ноқонуний равишда нақд хорижий валютада амалга оширгани аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар тегишли чоралар кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Мисол учун, Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси ҳамда вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирида якка тартибдаги тадбиркор Жавлон Тошматов *(исм-фамилия ўзгартирилган) томонидан* қонунга хилоф равишда мебеллар тўплами нақд 4 минг 800 АҚШ долларига сотилаётганлиги аниқланди. Қолаверса, текшириш жараёнида тадбиркорнинг бошқа қинғир ишлари ҳам фош этилди. Хусусан, тегишли ҳужжатлари бўлмаган 12,8 миллион сўмлик маҳсулотларни савдога қўйганлиги ҳамда савдодан тушган 628,2 минг сўм миқдоридаги нақд пуллар назорат-касса машинасига кирим қилинмаганлиги аниқланди. Бундан ташқари, савдо дўконига ҳисоб-китоб терминали ўрнатилиши шарт бўлсада, ҳисоб-китоб терминали ўрнатмасдан фаолият кўрсатиш ва икки нафар фуқарони норасмий равишда ишга ёллаб, «конверт» усулида иш ҳақи бериш ҳолатлари аниқланди. Албатта, қонунбузарга нисбатан белгиланган тартибда далолатнома расмийлаштирилиб, тегишли жазо чоралари кўрилди.

— Ростини айтиш керак, баъзилар ушбу қарор моҳиятини яхши билмайди. Уни нотўғри талқин қилаётганлар ҳам бор. Шунинг учун аҳолига, хусусан, тадбиркорларга ушбу муҳим ҳужжат мазмуни ва ундан кўзланган мақсадни тўлақонли етказиш учун қандай ишлар амалга оширилаяпти?

Айни пайтда Қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳудудларда хорижий нақд валюта муомаласига йўл қўймаслик борасида аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар ўртасида кенг тушунтириш, профилактика ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, туман, шаҳар, қишлоқлардаги бозорлар, маиший хизмат кўрсатиш субъектлари, савдо дўконлари ходимлари ўртасида ҳамда маҳаллаларда мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбирлар ўтказилмоқда. Унда ходимларимиз томонидан қарор талабларига амал қилмаган тадбиркорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши ва айбига яраша жазо олиши муқаррарлиги тушунтирилаяпти.

Бундан ташқари, мамлакатимиз ҳудудида товарлар ва хизматлар учун нақд хорижий валютада ҳисоб-китоб қилиш бўйича аниқланган жиноятлар ҳамда ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ суҳбатлашди.

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСсиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
		Лот 1-2:		
Лот-1	Самарқанд вилоят ИИБ болалар боғчаси биносининг том қисмини капитал таъмирлаш	146 601 810 сўм	175 922 172 сўм	2 ой
Лот-2	Қўшрабод туман ИИБ биноси том қисмини капитал таъмирлаш	114 106 927 сўм	136 928 312 сўм	2 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоят Ички ишлар бошқармаси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 89-уй, телефон: (8366) 231-18-60.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга, Мудофаа вазирлиги объектларини қуриш ва таъмирлаш учун махсус лицензияга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: ***Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.***

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносида соат 10-00 да ўтказилади.

Болалар спорти

Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида бугунги кунда 562 нафар ўқувчи спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, мини футбол каби турлари бўйича шуғулланмоқда. Мазкур мактабда шу кунларда бадиий гимнастика бўйича ҳам машғулотлар йўлга қўйилди.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Биз ва жаҳон

Юртимизда бўлиб турган Италия кинематографчилари «Ўзбекистон: тамаддун чорраҳасида» деб номланган ҳужжатли фильмни суратга олмоқда. Унда Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизнинг бой маданий мероси, халқимизнинг урф-одатлари ва бугунги бунёдкорлик ишлари ўз ифодасини топади.

«ЎЗБЕКИСТОН: ТАМАДДУНЛАР ЧОРРАҲАСИДА»

— Юртингизда тарихий обидаларни қайта тиклаш, таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилаётганини кўриб ҳайратландим, — дейди **Италиянинг «AQ International» компанияси президенти Сальватор КАЧЁЛА.** — Бундай хайрли ишларда катта ҳикмат бор. Улуғ қадамжолар, зиёратгоҳлар ўтмиш билан келажакни боғлайди. Ўзбекистонда аждодлар олдидаги бурч аъло даражада бажарилаётганини дунёга ҳар қанча ибрат қилиб кўрсатсак арзийди. Биз келгусида ҳам юртингиз ҳақида фильмлар олиш ниятидамиз...

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекисон овози» мухбири.

ЁШ БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Қитъамизнинг ўн тўрт давлатидан юз нафардан зиёд ёш «чарм қўлқоп» усталари иштирок этган ушбу мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси тўлиқ таркиб билан қатнашди.

Мусобақалар якунида ҳамюртларимиздан Улуғбек Раҳимов, Жавоҳир Каримов, Козимбек Мардонов, Обиджон Тоҳиров олтин, Сулаймон Латипов, Шерзод Комилов, Музаффар Рашидов, Элдор Мержонов, Баҳромжон Фозилов кумуш, Иқболжон Холдоров бронза медали билан тақдирланди.

Осиё чемпионатида жами тўртта олтин, бешта кумуш ва битта бронза медалга сазовор бўлган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Футбол

ҒАЛАБА ВА МАҒЛУБИЯТ

Футбол бўйича Ўзбекистон XXII миллий чемпионати олий лига жамоалари олтинчи тур ўйинларида майдонга тушдилар.

Турнинг марказий учрашуви Тошкентда «Пахтакор» — «Локомотив» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Унда гарчи, мезбонлар вакили Кахи Махарадзе 24-дақиқада ҳисобни очган бўлса-да, сўнгра орадан кўп ўтмай Акмал Холматов ҳамда Виктор Карпенколар рақиб дарвозасини ишғол этиб, «Локомотив» футболчиларига муҳим уч очкони тақдим қилди — 1:2. Аҳамиятли жиҳати, бу пойтахт темирйўлчиларининг пахтакорчилар устидан қозонган илк ғалабаси сифатида миллий чемпионатларимиз тарихидан жой оладиган бўлди.

Яна бир кутилмаган натижа Фарғонада «Нефтчи» — «Насаф» жамоалари баҳсида кузатилди. Учрашувнинг 12-дақиқасида мезбонлар ҳисобни очган бўлса-да, майдонда бир ўйинчи кўп ҳаракат қилганлигига қарамай, ғалабани ушлаб қолишнинг уддасидан чиқа олишмади. 75-дақиқада Артур Геворкяннинг голи қаршиликларни мағлубиятдан қутқариб қолди — 1:1.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Динамо» — «Бунёдкор» — 0:3, «Шўртан» — «Қизилқум» — 2:0, «Бухоро» — «Олмалиқ» — 1:0, «Металлург» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Навбаҳор» — «Гулистон» — 3:0.

Еттинчи тур ўйинлари 3-5 май кунлари бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

Мулоҳаза

ФЕЪЛИНГИЗНИ КЕНГ ҚИЛИНГ

айрим транспорт воситалари эгалари диққатига

Ҳар куни кўпчилигимиз жамоат ёки хусусий транспорт воситасидан фойдаланамиз. Йўлда турли воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз. Ҳайдовчининг хушмуомалалиги, транспорт бошқарувидаги маданияти киши кайфиятини кўтаради, албатта. Аммо...

— Белгиланган тезликда кетаяпсиз, лекин сигнал бериб сизни шошилтиради, — дейди ҳаваскор ҳайдовчи, Равшан Жомонов. — Тезликни оширсангиз қоидани бузасиз, йўл бўшатиб берай десангиз ён томондан кетаётган машиналарга хавф туғдирасиз. Орқангиздаги шошқалоқ эса тўхтовсиз сигнал беради.

Шу ўринда айрим жамоат транспорт воситаларининг «ким ўзар пойгалари» ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу кўпроқ маълум бир йўналишда ҳаракатланадиган автобус ва микроавтобусларга тааллуқли. Тезроқ йўловчи олишга шошилиб, улар бир-бирини қувлашади. Тезлик оширилади, оралиқ масофа сақланмайди, кескин тормоз берилади, автобус эшиклари ёпилар-ёпилмас ҳайдашга ҳаракат қилинади. Албатта, бундан йўловчилар жабрланади. Ўша уддабурон ҳайдовчига бунинг аҳамияти йўқ. Унга «кунлик режани қандай қилиб бўлса-да, бажариш» муҳим.

Кўча ҳаракатидаги яна бир нохуш манзара келин-куёвларнинг никоҳ маросими билан боғлиқ. Қатор-қатор машиналарнинг кетма-кет юриши, тартибсиз ҳаракати бошқа транспорт воситаларига халақит беради. Бундай машиналарнинг бирваракайига сигнал бериши ён-атрофдаги ҳайдовчиларнинг эътиборини чалғитади.

Кўпчилик яхши билади. Германия, Англия, Япония, Малайзия, Таиланд каби давлатларда кўчалар тор, машиналар кўп, доимо тирбандлик. Лекин бирорта ҳайдовчи машинасидан тушиб, нимага узоқ тўхтаб қолганлиги сабабини суриштирмайди. Машина сигналини чалмайди.

Бизнинг йўлларимиз кенг, светофорларимиз чироғи бор-йўғи бир дақиқадан кам вақт ичида ўчиб ёнади. Аммо шунга ҳам чидамай олдинги қаторда турган машинага сигнал чалиб, «юрсангчи тезроқ» деган маънода қистайдиганлар кўп.

— Ўзингизга маълумки, ёғин-сочинли кунларда йўлларимизнинг баъзи ерларида кўлмак сувлар йиғилиб қолади, — дейди ҳайдовчи Муҳаммаджон Бобожонов. — Баъзи-бир ҳайдовчиларнинг унинг устидан атайин тезликни ошириб, пиёдаларга сув сачратиб кетиш ҳоллари учраб турибди. Бу ҳайдовчининг пиёдага бўлган ҳурматсизлиги, маданиятсизлиги... Яқинда бошқарувимдаги хизмат машинасининг балони тешилиб, кўчада қолдим. Домкрат йўқ эди. 10 га яқин машинани тўхтатдим, бироқ бирортаси ёрдам бергиси келмади.

Яна бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Марказий банк биносининг олдида пиёдалар ўтиш йўлаги мавжуд. Ундан аёл киши ўтиб бораётган эди. Пиёдани ўтказаётган машина эгаси сигнал чалиб, уни тезроқ ўтишга қистарди.

Халқимиз от минган кишининг пиёдага йўл бериши лозимлигини уқтиради. Қани бу ерда маданият, ҳурмат?

Халқимиз одоб-ахлоқни, хушмуомалаликни улуғлайди. Қўрслик, қўполлик кишининг обрўсини тўкадиган қусурлар. Ортиқча асабийлашиш соғликка, ўз навбатида, кўчада ҳаракатланишга зиён. Ундан холос бўлиш обрўйингизни оширади. Йўлингизни кенг қилиш учун феълингизни кенг қилинг!

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Солиқ тизими

ТАДБИРКОР ҚОНУНГА РИОЯ ҚИЛСА...

Президентимизнинг «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида солиқ тизими ходимлари зиммасига қатор вазифалар юклатилган.

Унга мувофиқ, бозорлар фаолиятини тартибга солиш ҳамда маҳаллий бюджетга қўшимча молиявий тушумларни таъминлаш, харидорлар учун қулай шарт-шароит яратиш, шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларини, бозор ҳудудига туташ автомобилларни сақлаш жойларини назорат қилиш назарда тутилган.

Айни пайтда Сурхондарё вилоятида 30 та юридик шахс мақомига эга бўлган бозорлар ва савдо марказлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Бозорлардан тушадиган умумий даромад бозорларнинг савдо ўринлари, автомобилларни вақтинча сақлаш жойлари, омборхоналарни ижарага беришдан келадиган тушумлардан ташкил топади.

Қарор ижроси юзасидан Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Сурхондарё вилоят бўлими ходимлари томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар 60 га яқин қисқа муддатли текшириш ва рейд тадбирлари ўтказилди. Бозорлар, турғун савдо нуқталари ва савдо расталарида ўтказилган текширишларда бир қатор ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан қиймати 152,3 миллион сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Дарвоқе, бойсунлик якка тартибдаги тадбиркор «Ўрал Ҳайдаров» савдо шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда аниқланишича, ғазнадаги 52,2 минг сўм нақд пул назорат касса машинасидан ўтказилмаган, шунингдек, кирим ҳужжатлари бўлмаган 48 миллион сўмлик озиқ-овқат, 12 миллион сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдода бўлган. Ҳолат бўйича якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, Жарқўрғон туманида фаолият кўрсатиб келаётган якка тартибдаги тадбиркор «Юсуф Бобоев» савдо фаолияти юзасидан ўтказилган текширишда сотувчи томонидан харидорга назорат касса машинаси чеки берилмаганлиги маълум бўлди. Савдо дўконидан кирим ҳужжатлари бўлмаган жами 22 турдаги 3,9 миллион сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жарима қўлланилди.

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлганларга етарли имкониятлар яратилган. Фақат ушбу шарт-шароитлардан тўғри фойдаланиш талаб қилинади. Қонунбузарлик эса юқоридаги ҳолатлардан кўриниб турибдики, жавобсиз ва жазосиз қолмайди.

Илёс РАҲМАТОВ,
Сурхондарё вилоят ДСБ ахборот хизмати бошлиғи.

ОБ-ҲАВО 23-24 – 04. 2013

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+8 / +13	+18 / +23
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+10 / +15	+20 / +25
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	+10 / +15	+18 / +23
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	+13 / +18	+25 / +30
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	+10 / +15	+23 / +28
Тошкент шаҳри	+13 / +15	+21 / +23

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон	0 / 0
Париж	0 / -1
Москва	+1 / -2
Мадрид	+6 / +4
Пекин	0 / +5
Канберра	+6 / +7
Рим	+10 / +5
Афина	+11 / +12
Токио	+11 / +11
Стокгольм	-6 / -7
Кейптаун	+16 / +15
Қоҳира	+14 / +17
Гавана	+20 / +21
Вашингтон	+1 / +2

Реклама

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

АЭРОПОРТ КАРШИ ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ НА:

Лот №1-1. Реконструкция склада ГСМ ГУП Аэропорта г. Карши.
Стартовая стоимость – 1.349.683.279 сумов без НДС, 1.619.619.935 сумов НДС.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 6 месяцев.
Лот №1-2. Капитальный ремонт здания СПАСОП ГУП Аэропорта г.Карши.
Стартовая стоимость – 109.836.207 сумов без НДС, 131.803.448 сумов с НДС.
Срок окончания работ, установленный заказчиком, — 90 дней.

Финансирование осуществляется за счет собственных средств НАК «Узбекистон хаво йуллари».
Заказчик: Аэропорт г.Карши.
Адрес: г.Карши, Махтум-кули, 3.
Тел./ факс: 228-57-82.
Лот №1-1. По объектам строительства и реконструкции со стартовой стоимостью свыше 500 млн.сумов при прочих равных условиях предпочтение отдаётся субъектам малого бизнеса.
Лот №1-2. Размер квот для субъектов малого бизнеса по объектам капитального и текущего ремонта жилых и нежилых зданий составляет 100%.

Предприятия и организации, выступавшие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производительные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ, обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Участники конкурсных торгов должны иметь лицензию на ремонтные работы оборудования и конструкций складов ГСМ, а также разрешение на работу на режимных объектах.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Кашкадарьинский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве, по адресу – г.Карши, Ханабадское шоссе, дом 46а. Тел./факс: (8-375) 224-05-24, 224-09-06, 224-18-33.
Стоимость одного комплекта документов — 120 000 сумов.
Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.
Срок реализации конкурсной документации составляет 28 дней со дня публикации объявления.
Крайний срок предоставления оферт организатору торгов — ко дню и часу вскрытия оферт.
Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления в здании заказчика по адресу — г.Карши, Махтум-кули,3.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Фаррух ҲАМРОЕВ

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 446
16762 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 00.00
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Obiddin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5